



МУҲАББАТ – МУҚАДДАС ТҮЙФУ (Г.Ибрагимованинг ҳикоялари мисолида)

Ктайбекова Зульфия Кенгесбаевна

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мақолада қорақалпоқ ҳикояларида муҳаббат мавзуси таҳлил қилинган. Тақдикот объекти сифатида ёзувчи Г.Ибрагимованинг «Лабиринт» ҳикоялар тўпламида асарлари мисолида ўрганилган. Муҳаббат мавзусидаги ҳикояларида соғ муҳаббат, ёшлар орасидаги севги, вафоли ёр, айрилиқ, ҳижрон озоблари ва ҳ.к. масалалар мисоллар асосида ўрганиб чиқилган.

Калим сўзлар: ҳикоя, мавзу, ёзувчи, муҳаббат, вафоли ёр, ҳижрон озоблари, конфликт, характер.

Муҳаббат – бу муқаддас ва илоҳий түйғу. Ҳар бир инсон ҳаётга келаркан пинҳона түйғулари, кимгадур ошиқ бўлиши ва кимнидур яхши кўриши мумкин. Ҳаётда айрим ошиқлар севган ёрига эриша олса, базилари севганига эришолмай, ҳижрон ўтида куюб-ёнади. Ошиғига эришолмаган инсонларни ички соғинч түйғулари озобласа, жонини қўярга жой топмайди. Севган ёрига эриша олганлар эса бу ҳаётнинг лаззатини тотиб, баҳтга сазовар бўлади. Шундай ҳам шодликга, ҳам қайғуга белайдиган муҳаббат ҳакида ҳар бир шоир-ёзувчи ўз ижодида сўз этиши жоиздир.

Гулнора Ибрагимова ҳозирги давр қорақалпоқ адабиётида ўзининг услубига эга ёзувчи. Унинг «Лабиринт» номли ҳикоялар тўпламида нашр этилган кўпгина ҳикояларида марказий мавзу – муҳаббат мавзуси ифодаланган. Таниқли олим С.Баҳодирова «Ҳикоя ва ёшлар ижоди» мақоласида айрим ҳикояларни маҳсус равишда ўрганганди. [1.33-35] XX асрнинг 1930-1950-йилларида қорақалпоқ ҳикояларининг типологияси ва поэтикаси бўйича олим А.Аманова тадқиқ қилган. [2]. Шунингдек адабиётшунос олим X.Ўтемуратова «Ҳозирги проза ҳакида базибир ўйлар» номли мақоласида, “катта роман, повестълар билан бир қатарда энг яхши ҳикояларни ҳам бугунги куннинг мавзуларидан, ўтмиш тарихимиздан, муҳаббат мавзусидан яратоётган ёзувчиларимизни” номлаб кўрсатиб ўтади. [3.94-98] Адабиётшунос олим П.Алламбергенова «Теранг ғоявий, бадиий ҳикоялар керак» номли мақоласида қўйидагича ёзади: «... ёш талант эгаларининг асарларини тўрт хил тематикага бўлиб кўрсатади ва шуларнинг бири сифатида муҳаббат мавзусига боғлиқ ҳикояларни ҳам номлаб ўтади.



[4.78] 3.Ктайбекова эса, мустақиллик давр қорақалпоқ ҳикояларининг ривожланиш йўналишларини таҳлил қилиб, уларни етти хил тематикага ажратиб ўрганади ва муҳаббат мавзусига бағишлиланган ҳикояларнинг ўзини ишқ-муҳаббат, вафоли ёр, фарзанд додги, хижрон озоблари, айрилиқ дардлари ва х.к. бўлиб кўрсатади. [5.11].

Ёзувчи Г.Ибрагимованинг «Илк туйғу», «Бахт қуши», «Ёшликнинг бир оқшоми», «Дўстимга мактуб», «Бардош», «Муҳаббат қўшифи» ва ҳ.к. қатор асарларида ёшлар орасидаги муҳаббат, вафоли ёр, айрилиқ, хижрон озоблари каби масалалар кенг ҳажмда ифодаланганлиги кўзга ташланади. Унинг «илк туйғу» ҳикоясида ҳаётга эндиғина одим ташлаб келаётган ўсмир қизнинг нозик туйғулари, соғ муҳаббати ифодаланган. Касалхонада ётган укаси Тўрабекни кўриш учун келган 16 ёшар Гулжаҳон ёш шифокор йигит Алишерни севиб қолади.

“Ҳаёлига у эртага қиз бўлиб бўйини тузаса, Алишер акасининг қошида ярашиб кетадигандек.” [6.3] Бунда ўсмирик ёшдаги қизнинг янги жўш ўраётган муҳаббат туйғулари ифодаланган.

Укасига ғамхўр бўлаётган Алишернинг хусни-жамоли Гулжаҳоннинг кўз олдидан гавдаланаверади. Беморларга, айниқса, болаларга яхши муносабатда бўлиб, меҳрли Алишер Гулжаҳоннинг қалб тўридан жой олади. Қиз иккинчи қаватдан тушиб келаётиб, Алишер акаси билан учрашиб қолади.

- Иссиғинг йўқми? – деб у Гулжаҳоннинг пешонасига алақанини кўйганида қиз ўзи сезмаган ҳолда Алишер акасининг қўлини ушлаб қолади. Кўнглида ҳечнарса йўқ Алишер Гулжаҳонни “қўрқиб турибди” деган ҳаёл билан, ундан хавотирга тушади. [6.3] Ушбу эпизодда ёзувчи Гулжаҳон образи орқали мурнига шамол эсиб, муҳаббат туйғулари эндиғина куртак ёзиб келаётган ёш ўсмир образини маҳорат билан тасвирлаб кўрсатган.

Ҳикоя яқунида паркда Алишернинг келинчаги ва угли бор эканлигини кўриб, ўзиҳам Алишер акасидек оқилли, фидойи ва меҳрибон йигитни – ўз бахтини топадиганлигига ишонади.

«Муҳаббат қўшифи» ҳикоясида воқеалар персонажнинг ички кечинмаларини баён қилиш асосида берилган. Воқеалар бош қаҳрамоннинг монологлари орқали баён қилинади. Бизга маълум, субъективлик муҳаббатда етакчи ўринда туради.

Ҳикояда ёшлар ҳати тасвирланган. Йигитнинг муҳаббатда вафосизлиги, айrim қизларнинг ҳаётга бепарво қараши, ёнгилтаклиги, шўнингдек баъзи қизларнинг эса муҳаббатига содиклиги, вафоли ёр бўлиши, ҳатто ичидаги



рашкини ҳам ташқарига чиқармасдан пинҳон сақлаши, гаплашмай кетган йигитининг ўзига айланиб келишига умид қилиб қутиши ва х.к. сўз қилинган.

Хикоянинг бош қахрамонининг ички кечинмалари, ҳис-ҳаёжонлари, ҳаракатлари, ўйлаб-тўлғанишлари бадиий равишда баён қилинган. Масалан: “Мен қишлоқдоши! Мана менинг олдимда менга қисик қўзларини сузуб қараб турган кичкинагина бўйли қиз бўлажак келинчаги экан!

Бу янги йил деганинг янгиликга тўла бўлажак экан?!

Шунда нега мен изимга қайтиб кетмадим?

Қанақа куч мени иркиб қолган?

Излаганим сен эдинг...” [6.71] Ушбу мисолларда кутилмаган гапни эшитган қиз ўз-ўзига берилган саволларига жавоб изламакда эди.

«Шахзода сендан қочиб йўриб, битта рюмкани синдириб қўйди. Энди, мен чин кўнгилдан аччиқландим.» [6.71] Қахрамоннинг рашк тўйғуларини ташқарига чиқармасдан ўзи билан ўзи олишиб, ўйланиб-тўлғаниб ўтираберади. Бош қахрамоннинг ички кечинмалари, ўзи билан ўзи кураши, тўйғуларининг алғов-далғов бўлиши психологик конфликтни келтириб чиқаради.

«Энди кейинга қайтиб кетсам ҳам бўлар эди. Йўқ, мен магнитланиб қўйилгандек, хонанинг ўртасидаги ўринликда ўтируман, кейнига қайтмадим. [6.71] Ушбу мисолда ҳам персонаж ўзининг якка туйғуларидағи қарама-қарши фикрларини йигитга деган ошиқлиги ва содиқлиги орқали енгиб ўтирганини кўришимиз мумкин.

«Бахт қуши» ҳикоясида икки ўртоқ, Айсулув ва Қарчиғанинг тақдириси сўз қилинади. Икки ўртоқнинг характерлари бир-бирига қарама-қарши. Қарчиға болалигидан очиқ ҳулқ атворли, хўшфеълли қиз бўлса, Айсуловнинг ҳулқ атвори оғир, босиқ қиз.

Ҳикоя воқеалари кўпроқ Айсуловнинг атрофида бўлиб ўтгани билан асарнинг асосий мавзуси Қарчиғанинг омадсиз муҳаббатига бағишлиланган. Қизлар пайтахтда олий ўкув ўринларида ўқиётган ёшларнинг учрашув кечасида театр институтида ўқийдиган Сафар билан танишиб қолади. Қарчиға Сафарни бир кўришданоқ «менинг бахт қушим» деб, яхши қўриб қолади. [6.10] Сафар жуда чиройли йигит бўлгани билан, енгил ҳулқ-атворли бўлиб, уни Айсулов умуман ёқтирумайди.

Лирик чекиниш қилиб, муаллиф Айсулов билан Қарчиғанинг бир қишлоқда туғилиб, ўсганини, бир мактабда таълим олганини, шаҳарга келиб иккаласи ҳам бир курсда ўқиётганини таъкидлаб ўтади. Сафарнинг



енгилтабиат, учқалоқ, ҳар шоҳга бир қўниб йўрадиган, вафосиз йигит эканлигини айтганида, Қарчиға Айсулувнинг ўзига койиб ташлайди.

Айсулув яна болалигидаги ҳодисаларни эсига туширади. Бололигида опасини далада пахта чипоқда, илон чақиб вафот этган эди. Шу сабабли отоналари ўзларини гуноҳкар сезиб, етти йил давомида матом тутади. Шунақа шароитда ўсиб, вояга етган Айсулув тиниқ, индамас, жумбоқ хулқ атворли қиз бўлди. Бошқанинг қайғусига шерик бўлгани билан ўзи ҳақида тиш ёриб ҳечнима демасди. Мұҳабbat туйғуси ҳам Айсулув учун нотаниш туйғу эди. Ҳикояда Қарчиға билан Сафарнинг мұҳаббаты омадсиз якун топади. Чунки енгилтабиат Сафар мұҳаббатда вафосиз инсон эди. Лекин Айсулув ўртоғи Қарчиға учун Сафарнинг мақсадини аниқлаб олишни ният қилиб йўлга чиқади.

Айсулув ўртоғининг мұҳаббати учун ҳар қандай курашга тайёр инсон.

«Этик савдоси» ҳикоясидаги воқеалар Жумагулнинг атрофида бўлиб ўтади. Жумагулни Амангулнинг ёрдами билан Мурод исмли йигитта чиқариб беради. Келинчакни Муроднинг тоғасининг уйига туширади. Қизнинг уйидан янгалари келгани билан «Пешонангга ёзилгани шудир. Туз насибанг тортиб турган йер экан. «Кўрпангга қараб оёқ чўз». Сенга лойиқгина йер экан...» деб ташлаб кетади. [6.63] Одамларнинг бир-бирига яхшилик ишлашига етаклайдиган, ғамхўр-қайриҳох бўлишига йўналтирадиган, бир инсоннинг иккинчи бир инсонга кераклигини сездирадиган туйғу – бу мұҳаббат туйғусидир. Жумагул ушбу илоҳий туйғуни Мурод билан оила қургандан кейин ҳис қиласди. Мурод эса Жумагулни жонидан ортиқ яхши кўради, чин кўнгилдан севади. Ҳаттоки «Уйингни айланиб йўрганингда келинчак кетиб қолди» деган ҳазил гапга ишониб, эси яримта одамдек, кўзини лўқ қилиб, ўзи билан ўзи гаплашиб ўтираберган.

“Қизини бешикга ётқизиб, тебратиб ўтириб, “севганим сендан ортиқ бўлмас”, деб, шунақа оқ кўнгил, ёш бола каби йигитнинг пешонасига ёзилгани учун тақдиримга рози бўламан”. [6.65] Ҳикоя якунида эса, оила қурган ёшларнинг баҳтли ёшаётгани, асар қаҳрамонининг, яъни қутлуғ остонасига кўнглан ёш келинчакнинг турмуш ўртоғининг яхши инсан эканлигига кўнгли тўлиши ҳам ўз тақдирига рози эканлигини айтиши билан якунланади.

«Бардош» ҳикоясида сақлаб олган уғли билан келинига кун бермайдиган қайнона, турмуш ўртоғига содиклиги, оиласини саклаб қолиши учун чидабётган Серегулнинг тақдирни сўз қилинади. «Етимча, сени



ташландиқхонанинг ўртасида оёқ-күйимдан қолган қутида ётган жойингдан топиб олиб, уйимга оқ ювиб, оқ тараб, асраб - авайлаб вояга етганимни унутмоқчи бўлгинг келадими, чиркин?! Сен чиркиннинг барчасини ҳам унутгинг келади-ёв! [6.38] Оғзидан яхши сўз чиқмайдиган Зерхон кампир, ҳар куни углини етимча, чиркин сўзлари билан ўзининг асраб олган бечора боласини камситиб, ўзининг асраб сақлаганини миннат қилаётган кампирнинг салбий хулқ атвори очиб берилган.

“Серегул ушбу тартиблари ўзига ёқлайдиган оилада тўрга тушган кўёндек типирчилагани билан, “уйга кетиб қолсан, Ўнгарбойнинг ҳоли не кечади?” деб ерини қиймаслигидан шу уйдан кириб-чиқиб йўр”. [6.42] Бунда қайнонасининг ҳар кунги жанжалига, тилининг заҳарлигига бардош билан чидабётган Серегул эридан ҳавотирланади ва ўғлининг баҳти учун, келажакда ёриқ кунлар ҳам бор эканлигига умид қилиб чидайди.

Хулоса қилиб айтганда, Г.Ибрагимова ҳикояларидаги муҳаббат мавзуси кўпроқ ҳаётий воқеалар асосида тасвирланганини кўришимиз мумкин. Асарлардаги қаҳрмонларининг кўпгинасининг муҳаббатига содиқлиги, ёрига вафдорлиги, инсонни яхши ишлар қилишига ундовчи, одамларнинг бирбирини севиб яшаши учун курашга шарловчи илоҳий туйғу эканлиги ёзувчи томонидан бадиий маҳорат билан тасвирланган. Ҳикояларнинг мазмунининг бунақа эстетик бадиий таъсирчанлиги ортиб бориши натижасида ёзувчининг ўзига хос услубига эга, истъедодли сўз устаси эканлигидан дарак беради.

Адабиётлар

1. Баҳадырова С. Гўррин ҳэм жаслар творчество// Эмиўдэръя. – Нөкис, 1970. – №3. – Б. 33-35.
2. Аманова А. Каракалпакский рассказ 1930-1950-годов. Поэтика и типология: Автореф. канд. дис. ... филол. наук. – Москва, 1993.
3. Өтемуратова Ҳ. Ҳәзиригина проза ҳаққында гейпара ойлар // Эмиўдэръя. – Нөкис, 1990. - №9. – Б. 94-98.
4. Алламбергенова П. Терең идеялы, көркем гўрринклер керек // Эмиўдэръя. – Нөкис, 1991. - №10. – Б. 78.
5. Ктайбекова З. Мустақиллик даври қорақалпоқ ҳикояларининг поэтикаси: Филол. фан. фалс. д-ри... (PhD) дис. автореф. – Нукус, 2021.
6. Ибрагимова Г. Лабиринт. Гўрринклер. – Ташкент, «Ziyo nasr», 2020.